



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 30 АВГУСТ, ШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174 (12.735)

Баҳоси эркин нарҳда

ОЗОД МАМЛАКАТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрамини улкан ютуқлар, муваффақиятлар билан қўтиб олади. Энг улуғ, энг азиз айёмга муносиб тўхфа ҳозирлаш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш мақсадида кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Бу йил ҳам улуғ байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт қўшоналари, турар жойлар, йўллар, кўприклар қўриб битказилди. Халқимизга хос эзгу аъналарга мувофиқ бу ишҳоотлар ҳосиятли ва хайрли кунларда – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилашиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, узққни ўйлаб тузилган режа асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Пойтахтимизда миллий меъморлик аъналарини ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган ишҳоотлар, йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар бунинг ёрқин намоёнидир.

Президентимиз Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги замонавий кўприкни қўриб кўрди. Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳузуридаги «13-кўприкқурилиш» трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган ушбу транспорт боғламаси автомобилларнинг ҳаракатланиши учун кенг қўлайлик яратди. Кўприкнинг узунлиги 642, эни 19 метр.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, улар юксак маҳорат, чўқур билим, юқори технологиялар асосида амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган жойда транспорт тизигилиги автомобиллар ва пидедаларга ноқулайлик туғдиради эди. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар ҳаракатининг узлўқсизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Шаҳар қиёбасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нўқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни, автомобиль ёнилғисининг қўп ишлатилиши хавони бузади. Бир жойда транспорт тизигилиги юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир қўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин ту-тади.

Бунёдкорлик ишларининг узвий давомии сифатида Абдулла Қодирий кўчасига туташ кўчалар кенгайтирилди, собиқ «Динамо» спорт дўқони ўрнида замонавий савдо мажмуалари қад ростлади. Шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Анҳор каналига туташ кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудлар кенгайтирилди.

Президентимиз мазкур ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ушбу кўприкда йилнинг тўрт фаслида ҳам транспорт воситаларининг бемалол ҳаракатланиши учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини янада тақомиллаштириш, замонавий ландшафт дизайни асосида ободонлаштирилган ҳудудларни қўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ўртбосимиз Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Ушбу чорраҳада саккиз қаторли иккита йўл кесишган. Атрофда банк биноси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, савдо мажмуалари, қўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис бу ер ҳамиша гавжум, кўчалар серкатнон бўлади.

Уттан асрнинг 70-йилларида бу майдонда табиий омиллар ҳисобга олинмай, пала-партиш экиб ташланган дарактлар бугунги кунда аҳолига ноқулайликлар туғдирмоқда. Йўлнинг ўртасидаги бу майдондан бугун мақсадли фойдаланилмаётгани, ўртадаги майдоннинг кенглиги сабабли бинолар йўлга жуда яқин жойлашганиги транспорт воситалари ва пидедалар ҳаракатланишига ҳалақит бераётди.

Бу ерда қуриладиган янги йўл ўтказгич тирбандлигининг олдини олиб, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қўлай имкониятлар яратди.

Бутун мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда транспорт воситалари тобора қўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг қўлмали ислоҳотлардан қўланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, ман-фаатларини тўла таъминлашдир.

Ўртбосимиз Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириб, саккиз тасмали йўлга айлантириш, мазкур ҳудуддаги қўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимин таъмин-



лаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлади.

Кўприклар, йўллар ва бошқа ишҳоотларни қуришда нафақат бугунги кунни, балки келахак авлодлар манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни қўриб кўрди.

Йўл – иқтисодиётнинг қон томири, муҳим коммуникация воситаси. Йўллар равон бўлган жойда ҳаёт фаровон бўлади, барча соҳалар раванак топади. Буни мамлакатимизда транспорт тизими изчил яхшилаётгани, иқтисодиёт ривожии ва халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани мисолида яққол қўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида халқа йўллар қурилмоқда. Мавжудларни кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қўлайликлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби катта кўчаларни ўзаро боғлайди.

Илгари Тошкентнинг барча қисмида, хусусан, Эски шаҳарда уйлар, бозорлар пала-партиш қуриб ташланган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Бу транспорт ҳаракатини қийинлаштириб, ҳайдовчи ва йўловчилар ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган.

Давлатимиз раҳбари гоёси ва лойиҳаси асосида қурилган мазкур янги йўл бундай ноқулайликларни бартараф этади. Ҳар бир томони 4 тасмали кенг ва равон бу кўча ҳудудда транспорт ҳаракатини енгиллаштиради.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

– Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомиида шундай қийин шaroитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган, – деди Ислон Каримов. – Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилади. Бу ишларимизнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Ушбу янги йўл аҳоли учун катта қўлайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди.

Йўл билан параллел равишда барча коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси бунёд этилган. Келгусида йўл атрофида замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган. Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, қўп қаватли уйлар қурилишига шомол йўналиши, қуёш нурунинг қандай тушишига ҳисобга олинган. Лойиҳага кўра, турар жойлар уч ва беш қаватли бўлади. Чорраҳаларда фаввора ва гулзорлар, Калковуз ариғи бўйида сайилгоҳ барпо этилади.

Президентимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қиладиган аҳолининг эмин-эркин яшашии, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шaroитларни яратиш, йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Ўртбосимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда воёга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гротсмейстер Нафиса Мўминова каби шахматчиларимизни бутун бутун дунё билади. Жорий йилнинг июнь ойида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шах-



матнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Ислонбек ва Жаҳовир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намоён этди. Пойтахтимизда 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 6 олтин, 4 қумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Нодирбек Абдусатторов ва Ислонбек Синдоров, иқтидорли шахматчиларимиздан Абдубосит Шарифжонов, Оқжол Раҳматуллаев, Нодирбек Ёқуббоев, Мафтуна Бобомуродова шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилиб, қитъа чемпиони шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келахакини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича иқтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Шахмат кишидан юксак ақл-заковат, сабр-матонат ва ирода талаб қиладиган гоёт мураккаб спорт тури. Мазкур мактаб келахакда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли ва истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларида шахмат сабоқларини ўрганиши, ўз маҳоратини ошириши мумкин. Мазкур ишҳоот ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона каби бўлимларни ўз ичига олган. Ўқув-машғулот хоналаридаги электрон шахмат тахталари халқаро андозларга мос. Мактабда ўқувчилар учун махсус дам олиш хонаси мавжуд.

Бу ерда шахматчиларнинг ўйин амалиётидаги тажриба-маҳоратини ошириш учун шахмат заллари барпо этилган. Ушбу залларда бир вақтнинг ўзида қарийб юз нафар шахматчи ўзаро баҳслашиши мумкин.

Мазкур мактабга болалар танлов асосида саралаб олинди. Уларга тажрибали, профессионал мураббийлар сабоқ беради.

Интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик ёш шахматчилар билан онлайн тизимда шахмат бўйича беллашиш ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига эга.

Президентимиз мактабда сабоқ оладиган ўғил-қизларнинг шахмат бўйича маҳоратини ошириш, уларнинг эркин ижод қилиши учун янада қўлай шaroит яратиш борасида зарур тавсиялар билдирди. Ушбу бино ёнида халқаро микёсдаги йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, миллий руҳ акс этган янги ишҳоот барпо этиш лозимлигини қайд этди.

Мазкур даргоҳда яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш шахматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириши ҳамда келгусида ўз билими, истеъдоди иқтидори билан мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт усталарини тарбиялаб бериши шубҳасиз.

Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини қўриб кўрди.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда таълим жараёни мамлакатни демократик аниглаш ва модернизациялаш вазибаларини, халқаро таълим стандартлари ва талабларини, таълимнинг замонавий шакллари ва услубларини ҳисобга олган



ҳолда, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Академияда «Маънавият ва маърифат» ҳамда Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказлар барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланган, давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан тўлдирилган.

Ахборот-ресурс марказида академия ходимлари, тингловчилари ва барча фойдаланувчиларнинг мустақил таълим олиши учун зарур шaroит ва имконият яратилган. Марказ фондида ўзбек, рус, инглиз тилларидаги адабиётлар, матбаа нашрлари ва уларнинг электрон шакллари мавжуд. Ахборот-ресурс маркази залида Wi-Fi тармоғидан мунтазам равишда фойдаланиш мумкин. Бу ерда хориждаги кутубхоналар электрон ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти яратилган.

Президентимиз ташаббуси билан Давлат бошқаруви академияси биноси замонавий меъморлик ва технологик талабларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди.

Ислон Каримов академия биноси, у ердаги конференция заллари, Ахборот-ресурс марказида яратилган шарт-шaroитлар билан танишиб, бу ердаги илмий, амалий ва ташкилий муҳитни янада тақомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

– Мазкур академия нафақат илм оладиган жой, балки тажриба ва ҳаёт билан боғлиқ таълим даргоҳидир, – деди Президентимиз. – Бу академияни битирган ҳар қандай киши давлат бошқарувига лойиқ бўлиши лозим. Бунинг учун халқаро ҳамкорлиқни янада мустақамлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар давлат бошқаруви тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш керак.

Мазкур мажмуада учта конференция ва катта кўрғазма зали, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган ўн та зал, спорт майдони мавжуд. Улар барча зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Академиянинг ўқув биноси ва ётоқхонаси қўлай мебель, ўқув қурулғилари, компьютерлар билан жиҳозланган. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Академиянинг Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш факультетларида давлат бошқаруви ва жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича икки йиллик таълим дастурлари асосида бошқарув кадрлари тайёрланмоқда. Муассасага қабул олий маълумотга, давлат ва жамият бошқаруви тизимида уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар орасидан танлов асосида амалга оширилаётган. Академияда ўқув, методика, илмий-тадқиқот ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятларининг барча турлари олиб борилади. Битирувчиларнинг меҳнат фаолияти ва касб ўсишлари юзасидан доимий мониторинг ташкил қилиниб, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги кадрларни танлаш, тарбиялаш ва тақсимлаш тизимини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланмоқда.

Академия АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапор, Озарбайжон каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ташкилот томонидан ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, олий таълим ва илмий муассасаларга, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгилашлар энг буюк неъмат – мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий ишҳоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қиладди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан бошлади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ тайёрланганлиги ва киритилганлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масала Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида, фуқаролар йиғинлари фаолларининг, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари мажлисларида олдиндан муҳокама қилинди. Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин ҳукумат таклифи, кенг жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш материаллари, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича ҳудудий ва республика комиссиялари томонидан тайёрланган ҳулосалар асосида Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини Яшнобод тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқди.

Сенаторлар кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами бўлган Мустақилликнинг йигирма уч йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик ялпи мажлис давомида сенаторлар 15 та масалани, шу жумладан, 4 та қонуни кўриб чиқди.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонунлар мамлакатимизни янада модернизация қилиш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлади. Қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлат ҳокимиятини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида катта аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўйбега чиқариш доирасида тайёрланган ушбу қонун мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ННТлар давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмлари тизимини яратди. Уни ишлаб чиқиш жараёнида, шу жумладан, миллий ва халқаро даражалардаги турли анжуманлар доирасида кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Олиб борилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мамлака-

тимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштириш соҳасида товар-хонаш ва молия биржаларини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишга, биржа битимлари қатнашчиларининг кафолатларини кучайтиришга, ҳўжалик юритувчи субъектлар товар-хонаш ва молия биржаларида кенг иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар бозор раёбати шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Тижорат сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқди ва маъқуллади.

Ялпи мажлис қатнашчилари Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш ишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида сайлов қонунчилигини, ахборот-коммуникация соҳаси, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари амал қилишнинг ҳуқуқий асосларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Сенаторлар ўзлари томонидан маъқулланган қонунлар аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлади деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати

Касаба уюшмалари фаолиятидан

МАДАНИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Алишер Навоий номидаги кино саройида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари Кенгаши томонидан Истиклолнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга касаба уюшма фаоллари, корхона ва ташкилотлар, муассасаларда меҳнат қилиб келаётган хотин-қизлар, маҳалла фаоллари, фахрийлар ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг аъло-чи ва жамоатчи ёшлари таклиф қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада юксалтириш масалалари давлатимизнинг устувор вазифалари сирасидан ўрин олганлиги таъкидланди.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Истиклолнинг 23 йиллиги муносабати билан кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатилмоқда, касаба уюшмалари тизимидagi санаторийларга бепул йўлланмалар, уй-рўзгор ашёлари берилмоқда.

Жумладан, «Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди» акцияси доирасида Мудофаа ва Ички ишлар вазирлиги тизимидagi хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари оилаларига ҳам маънавий техника жиҳозлари тарқатилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Федерация томонидан турли хил кўрик-танловлар, кўргазма ва фестиваллар уюштирилмоқда. «Касаба уюшмалари — талабаларга» акцияси доирасида билимни, изланувчан, истеъдодли, юксак салоҳиятли 27 нафар талаба-ўқувчилар «Касаба уюшмалари стипендианти» бўлибди.

— Бугунги байрам тадбири менда катта таассурот қолдирди. Айниқса Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари стипендианти» номига лойиқ топишганидан жуда хурсандман. Истиклол бизга мана шундай улкан имкониятларни инъом этди. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига миннатдорчилик изҳор этаман, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Мунисахон Мелиева.

Гулиноҳ САТТОВА

Мамлакатимиз истиклоли байрами арафасида ўсмирлар ўртасида II Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ёш спортчиларимиз халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Ватанимиз давлат мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб тўхфа ҳозирлади. 29 август куни Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олиш маросими бўлди.

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари, журналистлар йиғилди.

Жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиада-сида ёш спортчиларимиз жаҳоннинг 170 давлатидан йиғилган 3500 нафардан зиёд тенгдошларига, бутун дунёга ўз сўзини айтиб олди, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-не улуг зотларнинг муносиб ворислари, Ўзбекистондек буюк юртнинг ҳеч қандай кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган фарзандлари эканлигини исботлади.

Кескин ва мурасиз беллашуларда зафар қучган спортчиларимизнинг мардлиги, жасорати, шижоату матонати дунё ахлини лол қолдирди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, уларнинг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги, ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб воғна етиши учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва бунинг учун кенг имконият ва зарур шароитларни яратишга доимий эътибор қаратилмақда.

Бунинг самарасида жисмонан ва маънан соғлом, жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, манаман деган давлат вакиллари билан мусобақалашаётган қодир спортчилар тарбияланмоқда.

Бу жиҳатлар Нанкин Олимпиадасида яна бир қарра ўз исботини топди. Мазкур нуфузли спорт анжуманида 28 нафар спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннисини, сузиш, таэквондо (WTF), триполлин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

— Ўғлим Илхом Олимпиадага кетиш олдида албатта олтин медал



билан қайтаман, деб ваъда берган, — дейди Исмоил Мустафоев. — У ваъдасининг устидан чиқиб, юзими-ни ёруғ қилди. Ўғлимнинг бу ғалабаси бутун халқимизнинг ютуғи, истиклол берган кенг имкониятлар, Юртбошимиз ғамхўрлигининг самарасидир. Мамлакатимиз мустақил бўлмаганда ўғлим шундай катта мусобақаларда манаман деган давлат вакиллари билан беллашиш имконига эга бўлармиди?! Ғалаба қозонишини қасасавур ҳам қилиб бўлмасди.

Дарҳақиқат, истиклол туфайли мамлакатимиз барча соҳаларда жадал суръатларда ривожланаётган, кенг имконият ва катта салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳонга танилди. Бир-

миздан чексиз ғурур ва ифтихорга йўрилган самимий дил изҳорларимиз, эзгу тилакларимиз беихтиёр тилимизга, кўзимизга кўчади: «Баракалла, қудратли юртнинг муносиб фарзандлари, ғалабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин!»

Нанкин Олимпиадасида боксчи Бектемир Мелиқўзиев, юнон-рум кураши устаси Илхом Бахромов, дзюдочи Суҳроб Турсунов ва ўқ отиш баҳсларида қатнашган Владимир Свечников шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Олимпиадада юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимиздан бахтиёрмиз, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби Бектемир Мелиқўзиев. — Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишимиз, халқаро майдонларда юксак ғалабаларга эришишга қодир спортчи бўлиб воғна етишимизга қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Ёш спортчиларимиз бокс, дзюдо, таэквондо, спорт гимнастикаси ва оғир атлетика баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, утадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

— Спортчиларимиз Ўзбекистонимизнинг дунё микёсидаги обрўси янада ошишига муносиб ҳисса қўшиб, юртимизда куч ва истеъдод бобида ҳеч қандай кам бўлмаган авлод воғна етаётганини жаҳон ахлига намойён этди, — дейди Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари Фарход Турдиев. — Улар бундай нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқига истиклол туфайли эришганини чуқур ҳис қилган ҳолда, Ўнг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамига муносиб совға билан қайтди. Бу мамлакатимизда жисмонан ва маънан етук, ўзбек спортининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли ўғил-қизлар воғна етаётгани, уларни келгусида янада юксак ғалабалар кутиб турганидан далолатдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Б.АЙТМУРОВОВ,
Ж.ТОШХУЖАЕВ,
Ў.А.МУХИРЛАРИ

Мухаммад Амин олган сурат



Мамлакатимизда

● Халқимиз Энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўраётган шу кунларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Андижонда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ходимларининг аънавий август кенгаши бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари масъул ходимлари иштирокида ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан самарали ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳда ўтказилган республика форуми шундай номланди.

● Самарқандда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг аънавий август кенгаши ўтказилди. Анжуманда янги ўқув йилида тизим ходимлари олдига турган вазифалар, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига қўллаш орқали таълим сифатини янада юксалтириш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаслари педагогик маҳорати, маънавий баркамоллигини ошириш юзасидан фикрлашиб олинди.

● Наманганда «Келажаги порлоқ юртнинг баркамол авлодлари» деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан фаол ва ташаббускор ёшлар иштирок этди.

● Сирдарё вилояти халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг аънавий август кенгаши бўлиб ўтди. Янги ўқув йилида эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЖАҲОНДА

● Япониядаги Фукусима префектурасида етиштирилган гуруч яна чет элга чиқарила бошланди. Уч йиллик танаффусдан кейин «Фукусима-1» АЭСидан 60 километрча масофада етиштирилган «косихикари» навли гуруч Сингапурдаги пештахталарга чиқарилмоқда. «Ҳалокатдан кейин» илк бор пештахтага чиқарилган гуруч унчалик кўп эмас — 300 килограммгина, холос.

● Халқаро самовий станция (ХСС)да ўтказилган текширув таҳрибаси олимларни жуда қувонтириб юборди, чунки фазовий тадқиқот мажмуасининг ташқи сатҳидан олинган намуналаридан денгиз планктонининг микрозаррачалари топилад.

Икбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

23 ШУ КУНЛАРДА ДАВЛАТИМИЗНИНГ БОШ БАЙРАМИ — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Тарихан қисқа даврда асрга татиғулик ислохотлар амалга оширилгани, демократик, сиёсий модернизация жараёнлари рўёбга чиқарилгани одамлар турмушида, юртимиздаги бунёдкорлик ишларида ўз аксини топмоқда. Бугун Ўзбекистоннинг марра ва ютуқларини халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда, ўрганмоқда, ўз мамлакатларида татбиқ этиш чораларини кўрмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон саноти тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошганини, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бу ютуқларнинг асосий омили ва мезони биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги кучайганидир. Энг катта бойлигимиз ва таянчимиз бўлган халқимизнинг фидойи меҳнати, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустақам ишончи туфайли ҳам Юртбошимиз раҳнаомлигида тарихан қисқа даврда улкан ривожланиш йўлини босиб ўтдик. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги глобал ўзгаришлар, одамлар турмушидаги янгиликлар, жаҳон ҳамжамияти дуч келаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳар бир ҳамюртимиздан фидойиликни, ватанпарварликни, юрт бугун ва эртаси учун янада масъулиятли бўлишни талаб қилади.

Шу боис ҳам Юртбошимиз жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаларида дунё тамаддунига бекиёс хисса қўшган буюк аждодларимиз, жумладан соҳибқирон Амир Темур, Беруний, Улуғбек, Замахшарий, Фарғоний, Хоразмий, Ибн Сино номларини гурур билан санар эканлар, ёшларга мурожаат қилиб шундай дедилар:

«Биз буюк аждодлар билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак, деб айтаман. Айни вақтда фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам худди улар каби мана шу бебаҳо меросга ўз хиссамизни қўшайлик, деб такрорлайман».

Дарҳақиқат, шу муқаддас она тупроққа улуг аждодларимиз каби биз-

нинг ҳам киндик қонимиз тўкилган. Биз мустақил юрт фуқаролари аждодларимиз руҳи поки олдиди ҳам, она Заминимиз, муқаддас Ватанимиз олдиди ҳам масъулмиз.

Шу азиз Ватанда камол топган, айна пайтда кимларнинг авлоди эканини унутмаган, теран ҳис қилган, имон-эътиқодда собит ҳар қандай инсон ўз шаънини ерга урмайди. Шу боис ҳам Истиқлолнинг илк йиллариданок, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган даражаларда тахсил олиши, маънан етуқ, жисмонан соғлом авлодни шакллантириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг негизига айланди.

Бугун давлат бюджетининг катта қисми йўналтирилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тизимли равишда амалга оширилмоқда. Юртимизга ташриф буюраётган халқаро экспертлар эътироф этаётгандек, 12 йиллик бепоул таълим берадиган, касб-хунар ўргатадиган бундай тизим дунёнинг бирор бир давлатида учрамайди.

Юртбошимизнинг бевосита бошчилигида «Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга таълим ва касб-чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак», деган ғоя остида кейинги ўн йил ичида фарзандларимизнинг қалби-га нур, руҳига қанот бўлгулик самарали ишлар қилинди. Замонавий технологияларга асосланган, барча қулайликларга эга 1600 дан ортиқ касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг бунёд этилиши бунинг яққол тасдиғидир.

Эътиборли жиҳати, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси тизимли, мақсадли ва узоқни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда фарзанд дунёга келганидан таълим-тарбия олишигача, касб-хунар эгаллашдан бирор ишга киргунича давлат эътиборини, ғамхўрлигини ҳис қилиб, керак бўлса, ҳукуматимиз қўллаб-қувватловида катта, мустақил ҳаётга қадам ташламоқда. Ҳар йили ёшлар учун бир миллион нафарга яқин иш ўрни яратилаётгани, унинг таркибиде касб-хунар коллежларида тахсил олган йигит-қизларимизга катта эътибор қаратилаётгани фикримиз далилидир.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

ИФТИХОР

Ватан қурмоқ — матонат,
Ватан севмоқ — диёнат.
Қолган бари — омонат,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ватан қурмоқ — қадрдир,
Ватан қурмоқ — фахрдир,
Бу — миллатдир,
бу — халқдир,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Истибоднинг дориди,
Ёмғирлари қориди,
Асрлардан нариди
Ким эдигу — ким бўлдиқ.

Пишган эди узумлар,
Емирилди тузумлар.
Айтгил «Қора кўзум»лаб:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Сўргил оҳ ила зорин,
Чеккан ранжу озорин
Ота-бобонг мазорин —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ватан қурмоқ — курашдир,
Ҳар ғиштидан сўрашдир.
Жон-жонингга жойлашдир —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзингдан бир из қолдир,
Огоҳ ўғил-қиз қолдир.
Авлодларга сўз қолдир:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Қалқиб турган бу олам,
Тинч турмас ҳеч, жон болам,
Кўргонимсан ҳам лолам,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Қутлуғ бўлсин мамлакат,
Бу давлат, бу салтанат,
Яратгандан марҳамат —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ҳайиқмай тўфонлардан —
Мардлик доим сенга тан,
Ота юрт, она Ватан —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Бурч ҳам қарздир то абад,
Қарз ҳам фарздир то абад,
Айтсанг арзир то абад:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлайдир ватансиз, она
Ватан барчамизга буюк Онадир,
Сиз буюк Ватансиз,
Ватансиз, она.

БУЮК МУАЛЛИМ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,
Ўрганмадим уни ҳур ё паридан.
Кафтларининг чиқиқлари — хати ҳам
Ажсинлари бўлди менинг харитам.
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,
Ватан янглиғ улуг сўзлар бўлдилар.
Киприқларин остиларида тургандим,
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,
Ёт касалардан ўрганмадим мен уни.
Ору қарздан ўргангандим мен уни,
Хору хасдан ўргангандим мен уни.
Ўзим кийик сўқмоғида юргандим,
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.

ОСТОНА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Саҳар туриб шукр қил,
Шабнамларга гапиргил.
Ўз кўнглингни супургил,
Ўз уйингни супургил.
Остонагни кўргилу
Ўз онагни фикр қил.
Кўргонларинг, уйларинг
Меҳнату заҳматингдир.
Остонанга ҳурматинг —
Онанга ҳурматингдир.

Деворингга бир ғишт қўй,
Дарахтларни оқлаб қўй.
Бориб мазор бошига
Отангни ҳам йўқлаб қўй.
Бу дунёнинг кўрки гар.
Боғу гулзоридандир.
У дунёга остонанг
Отанг мазоридандир.
Остонанга ҳурматинг —
Отангга ҳурматингдир.

ВАТАН ДЕСАМ...

Соҳир туйғуларнинг
сўнгсиз аласи
Кўнгли торларини маънос
уйғотар.
Беихтиёр Ватан
сўзини айтсам.
Кўзимдан нур чақнаб
кетади шаксиз.
Сафарга отлансам олис ўлкага,
Сайёҳ деб совғалар
қилсалар инъом.
Биламан, баридан
афзал туради,
Ўзбек фуқароси деган улуг ном.

Кимки юртни севмас,
кечган ўзидан,
Миллат билан келар
бир кун юзма-юз.
Аниқки, нон, тузи
ҳаққиға қасам,
У юртга фарзандман
дейишга ҳақсиз.

Жилғалар дарёга
қуйилар бориб,
Дарёлар ошиқар доим уммонга.
Қаерда бўлсак ҳам
доғ туширмайлик,
Ўзбек деган нома,
Ўзбекистонга!
Шоирлар фахрия битсин,
алқасин,
Санъаткорлар куйласин Ватан
мадҳини,
Дунё кўриб қўйсин,
эл полвонлари,
Ҳеч кимга олдириб
қўймас ҳақини.

Ифтихорим менинг ўзбек
деган ном,
Ўзбекистон эса чулғар зиёга.
Баралла ҳайқиринг,
эшитсин жаҳон,
Ахир, биз бахтлигимиз
она диёрда!
Шавкат ОДИЛЖОН

ЭЛИМ — ИСТИҚЛОЛНИНГ МУБОРАК

Элим, эккан ниҳолларинг дарахт бўлди,
Устун бўлди бугун янги томларингга.
Заҳматингни кўриб кимлар қарахт бўлди,
Кимлар қуйлаб шон қўшдилар шонларингга.

Бир-бирига елка тутиб берган элим,
Оналарин бошда қўйиб юрган элим,
Иш бошласа оталардан дуо олиб,
Кўргонига олтидан ғишт қўйган элим.

Ёвларинг ҳам келаётур ҳаваслари,
Майли, оз-оз келиб турсин ҳасадлари.
Уйларингдан Соҳибқирон, Мирзо Бобур,
Келиб турсин Яссавийнинг нафаслари.

Тоғ тошини меҳри билан ёрган элим,
Бардошини сабри билан қорган элим,
Оталарин, оналарин рози қилиб,
Карвон тортиб Ҳаж сафарга борган элим.

Шундай қолгин, ёвларингга алданма ҳеч,
Болангни ҳам асра, доғда ўртанма ҳеч.
Юртсотарлар пана-пастда пойлайверсин,
Сен улардан гуллаб-яшнаб ололгин ўч.
Элим, эккан ниҳолларинг дарахт бўлди...

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

**Жамиятдаги ҳамжиҳатлик,
эзгулик ва меҳр-шафқат
муҳитининг вужудга келиши,
беминнат ёрдам бериш, муҳтож ва
кам таъминланган оилаларга
қўмаклашиш каби халқимизга хос
фазилатларнинг миллий қадрият
даражасига кўтарилганлигидан
далолат албатта. Бу айниқса 1997
йилдан буён ҳар бир йилга ном
бериш асосида муайян ижтимоий
масалани ҳал қилишга алоҳида
эътибор қаратилаётганлигида
яққол намоён бўлмоқда.**

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хусусан, жорий «Соғлом бола йили»да ҳам бу анъаналар изчил давом эттириляпти. Ўтган ярим йилликда мамлакатимиз бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш каби тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3.1 триллион сўм йўналтирилганлигининг ўзи баркамол авлод тарбиясига кўрсатилаётган рағбат кўламини кўрсатиб турибди. Табиийки, бу борадаги эзгу ғамхўрликдан ота-она қарамоғисиз қолган воёга етмаганлар ҳам баҳраманд бўлиб, айниқса уларнинг ижтимоий муҳофазасига катта эътибор қаратиляпти.

Бектемир туманида айни пайтда 9.400 нафар 16 ёшга тўлмаган ёшлар истикомат қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтариш, тарбиявий ишларни кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда туман прокуратурасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Прокуратуранинг ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилган ўзгаришлар, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида», «Воёга етмаганлар ўртасида назоратчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа дахлдор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Шу билан бирга, Бектемир тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан 2014 йилнинг ўтган даврида, ота-она қарамоғисиз қолган воёга етмаганлардан 3 нафарига васийлик, 1 нафарига ҳомийлик ва 9 нафарига патронат белгиланган. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олишига, моддий ва маънавий томондан ёрдам бериш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган хайрия тадбирлари ўтказилиб, имкон даражасида улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 2014 йилнинг май ойида 19 нафар якка тартибда уйда таълим олаётган ўқувчилардан 8 нафари стол-стул ва 9 нафари доска билан таъминланди.

Шунингдек, уларга туман прокуратураси, туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими билан ҳамкорликда совғалар топширилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда 55 нафар боқувчисини йўқотган кам таъминланган ўқувчиларнинг иштироки ташкил этилди.

Туман прокуратураси томонидан ота-она қарамоғисиз қолган воёга етмаганлар ижтимоий муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилмоқда ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, эртанги кунимизнинг ишончи, умиди, келажаги бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номи асарларида берилган ибратли фикрни келтириб ўтмоқчимиз.

«Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак!»

КОЗИМЖОН ХАМИТЖАНОВ,
Бектемир туман прокурори
вазифасини бажарувчи,
1-даражали юрист



XALQ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

Мустақиллигимизнинг
23 йиллик байрами

билан барча
юртдошларимизни
муборакбод этади.



Тинчлик ва
осойишталигимиз
барқарор,
хонадонларимиз
фаровон, юртимиз
янада кўркам ва
обод бўлсин!

Реклама ўрнида



«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банки

«2014 йил – Соғлом бола йили»

муносабати билан юртдошларимизга
юқори фойзли

«Қудратли
юрт фарзанди»

номли янги
омонат турини
таклиф этади.



Мурожаат учун тел.:
273-05-70, 273-05-80

www.mikrokreditbank.uz

«Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик,
бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ



Сизни Ватанимиз Мустақиллигининг
23 йиллиги шодиёналари билан самимий
муборакбод этамиз.

Тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик
тилаймиз!

АТБ «Капиталбанк»

ЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА
ПОЙТАҲТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Сизларни Мустақиллигимизнинг
23 йиллиги байрами билан
самимий табриклаймиз.

Юртимиз тинч,
дастурхонимиз тўкин бўлсин,
хонадонларимиз файзу баракага тўлсин!
Истиқлол шукуҳи барчамизга энг
муборак кунларни насиб айлсин.

Муқимий НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
МУСИҚИЙ ТЕАТРИ



МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
МУСИҚИЙ ТЕАТРИ ЖАМОАСИ

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 4.20